



## ЭМИЗИКЛИЛИК ДАВРИДАГИ 3 ОЙЛИК ГЎДАКЛАРДА БРОНХ ДАРАХТИНИНГ УЗИГА ХОС МОРФОЛГИК ТЎЗИЛИШИ.

**Камолова Гулирано Бахриддин қизи<sup>1</sup>**

**Содиқова Зумрат Шавкатовна<sup>2</sup>**

**Султонов Равшан Комилжонович<sup>3</sup>**

Анатомия, Клиник анатомия кафедраси,

<sup>1-2-3</sup>Тошкент тиббиёт академияси.

Ўзбекистан.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7275835>

**Муаммонинг долзарблиги:** Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра дунё тиббиёт соҳасида болалар ўлими энг асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст ,яни 9,1% қилмоқда. [6]

Янги туғилган гўдакларда респиратор бронхиолалар сони 1,5 млн бўлса, катта ёшдагиларда 14 млн. Уларни умумий алвеолалар майдони мос равишда 2,8 ва 75 м<sup>2</sup> тенг эканлиги аниқланди. .[1-2-3-4-5]

Бронхларни гистологик тузилишини шиллиқ, шиллиқ ости, фиброз-тоғай ва адвентциал қаватларга биринчилардан бўлиб ўрганишни тавсия этишган.[7-8-9]

Украиналик олимлар Полищук Е.В. ва бошқалар (2016й) бронхлар, ўпкалар интерстициясининг туғма касалликлари ва бронх ўпка тузилмасини етарли даражада ривожланмаслиги билан боғлиқ бўлган энг кўп ва энг кам учрайдиган, шунингдек клиник аҳамиятли бўлган энг кўп учрайдиган касалликларни келтириб ўтди.[10]

Онтогенезнинг антенатал даврида органлар шаклланишини асосий босқичларини билиш зарурияти ва уларга боғлиқ бўлган омилларни аниқлаштириш, туғма мажруҳлик ва нуқсонларни юзага келиш йўллариини излаш учун ишончли восита бўлиб хизмат қилади.

ЖССТ маълумотлари бўйича пульмонология бўлимига тез тиббий ёрдам билан келтирилган болаларнинг 40% гача бўлган қисми бронхообструктив синдромли беморлар бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Эмизиклилик давридаги 3 ойлик гўдакларда бронх дарахтининг узига хос морфолгик тўзилиши ўрганиш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Текширув Республика паталогик анатомия марказида 2021-2022 йил келган ўч ойгача бўлган гўдаклар мурдаси устида олиб борилди. Ўлган болаларда ўпка бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак туғма нуқсонлари ва бошқа сабаблар

натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди. Текширув материаллари ўпканинг қуйидаги қисмларида олинди: ўнг ва чап ўпка ташқи ва ички бронхларини бўлак бронхларидан терминал бронхларигача очиб ўрганилди. Тадқиқотимизда инструментал (штангенциркуль ёрдамида), умумгистологик ва гистокимёвий усуллари қўланилди.

**1-расм.** Чақалоқлар ўпкаси, 3 ойлик давр. Штангенциркуль ёрдамида экстрапулмонар бронхларни улчамини олиш.



**Тадқиқот натижалари:** Текширув учун барча гўдакларда иккала ўпкасида ҳам ўпка бўлак бронхлари, бўлакчаларичи бронхиоласи, терминал бронхиола уларнинг диаметрлари ўлчанди. Штангенциркул ёрдамида ўлчанган бронхлар ўлчамлари жадвал қилиб тахлили олиб борилди. Олинган бронх кесмаларидан 5-8 мкм кесмалар таёрлаб гематоксилин-эозин буёқларига таёрланди.

Постнатал онтогенезда 3 ойлик гудаклар ўлимининг жинс бўйича тақсимланиши.




3-ойлик давр. Чақалоқларнинг бу даврида ўпка бўлаклари бронхлари найсимон шаклга айланганлиги, узунлиги бироз чўзилганлиги, яъни ўртача  $4,2 \pm 0,9$  см, бўшлиғининг кенглиги ўртача  $0,0 \pm 0,2$  смни ташкил қилганлиги аниқланди. Девори юпқалиги сақланиб қолади, тоғай халқалари ҳали ҳам кам ривожланганлиги, девори юпқа ва юмшоқлиги аниқланди. Тоғай халқалари бир-нечта бўлаклардан иборатлиги аниқланди.

Бу даврда тоғай халқаси бироз яссиланган, таркиби бўйича етилмаганлигича сақланиб қолганлиги, яъни хужайралари майда, кўп ва зич жойлашган, фақат айримларининг цитоплазмаси вакуоллашган кўринишдалиги кузатилади. Тоғайнинг оралик хондронид моддаси тўқ



бўялганлиги, ички ва ташқи юзасидан тоғай халқаларини бириктирувчи тўқимали тутамлар нисбатан кўпайганлиги аниқланди. Ташқи томондан нозик ва шишли сероз парда билан ўралган. Шиллиқ парда бурмалари бироз кичиклашган ва сийраклашган. (2-расм)



2расм. Ўпка бўлаги ва булак ичи бронхи , 3-ойлик давр. Шиллиқ пардаси бурмалари кичиклашган, силлиқ мушак тутамлари қалинлашган, тоғай халқаси бир-нечта бўлаклардан иборат. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.

#### **Хулосалар:**

Чақалоқлар бир ойлик даврида трахея девори барча қатламлари яхши такомил топмаган тўқималардан иборатлиги, ўч ойлик даврдан бошлаб қопловчи эпителийси кўп қаторлидан бир қаватлиги, хусусий пластинкаси шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан шаклланган тўқимага, тоғай халқалари сийрак хондроидли ва хужайрали тузилишдан майда хужайрали зич хондроматоз тўқимага айланиб бориши исботланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Bucher U., Ried L. M. Development of the intrasegmental bronchial tree // Thorax.- 1991.- Vol. 16.- P.207-218.
2. Burri P.H. Postnatal development and growth.- In: The Lung Scientific foundations. 1991.- Vol 16.- P.-677-687.
3. Harlan J. M. Lencyte- endothelial inter action // Blood.- 1995. Vol 75.- P.-513-525.
4. Pereiman R. H., Farreil P. M., Engle M. J. Developmental aspects of lung lipids // Ann Rev. Physiol.-1995.- Vol. 57.- P. 803-822.
5. Scarpelli E. M. Pulmonary physiology of the fetus, newborn and child. Lea Febiger. Philadelphia, 1995.- P. 1-369.
6. Сатвалдиев Р. Х, Ешниязов Д. Д, “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2019 йил, 2-сон.
- 7 Dowling S. E., Lee J. C. Nervous control of the pulmonary circulation // Ann. Rev. Physiol. -2000. -Vol.- 62. -P. 199-210.



8. Слука Б. А., Маляревич Т. М. К изучению механизмов морфогенеза респираторных отделов легких // Морфология.- 1993. №9-10. С-151.
9. Стеценко С. В. Морфологические основы особенностей микроциркуляции в системе молодого круга кровообращения // Тез. Докл. 6 Всесоюз. Конф.- 1990. -С. 346.
10. Полищук Е. В. Лучевая диагностика врожденных заболеваний и аномалий развития органов грудной полости. Врожденные заболевания интерстиция легких, бронхов. Пороки развития, связанные с недоразвитием бронхолегочных структур. (Лекция 1) / Е. В. Полищук, Т. М. Бабкина, А. Н. Бондар, Л. Ю. Гладкая, Т. К. Сахно // Лучевая диагностика, лучевая терапия. - 2016. - № 3. - С. 46-59.